

ГЛОБАЛ СИНТАКТИК ҚУРИЛМАНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛШУНОСЛИГИДАГИ ТАДҚИҚИ

М. Зайниева ¹

Аннотация:

Ушбу мақолада, асрлар давомида тилшуносликда муҳокама қилиниб келинган матн, микроматн, макроматн каби тушунчаларнинг глобал синтактик қурилмадаги роли ва аҳамияти ўрганилади. Мақола матннинг ҳар томонлама таҳлилини, жумладан лингвистик бирликлар, тил ва нутқ бирликлари ҳамда тил ва нутқ сатҳларига оид муҳим масалаларни ўз ичига олади. Шунингдек, матн компонентлари сифатида фонема, морфема ва сўзларнинг ўзаро алоқалари ҳамда мураккаб синтактик қурилмаларнинг тавсифи ҳам кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: матн, мироматн, макроматн, матн компонентлари лингвистик бирлик, тил, нутқ, тил ва нутқ бирликлари, тил ва нутқ сатҳлари, фонема, морфема ва сўз, мураккаб синтактик қурилма, глобал синтактик қурилма.

doi: <https://doi.org/10.2024/sgeok347>

XX аср тилшунослигида муаммоли ва мунозарали масалалардан ҳисобланган глобал синтактик структура тушунчаси ва унинг компонентлари хусусида айрим мулоҳазалар ва унинг илмий тадқиқи, тавсифи хусусида фикр юритар эканмиз, лингвистикада глобал синтактик структура тушунчаси ва унинг компонентлари хусусида ҳамда унинг тавсифи билан боғлиқ олиб борилган ишлар, тадқиқотлар, уларнинг муҳим натижалари қайд этамиз. Ушбу фикр ва мулоҳазаларга ўз нуқтаи назаримиздан муносабат билдирамиз ҳамда тегишли хулосаларга келамиз.

Қуйида тил ва нутқ бирликларининг шу кунгача белгиланиши ҳамда шу асосда глобал синтактик структура тушунчаси ва унинг компонентлари хусусида ўзига хос қарашлар баён этилган. Нутқнинг мукамал ва мураккаб ҳосиласи бўлган глобал бирлик мақоми матн экани, унинг асосий белгилари нималарда намоён бўлиши қайд этилган. Бу борадаги бугунги кундаги қарашларнинг кенг қўламли бўлиши, фан тараққиёти динамикаси маҳсули сифатида далилланган материалларга таянганмиз. Бунини ёритишда предикативлик ҳодисаси ва унинг ифода объектларига асосланиб иш кўрилган. Матнда жумланинг ўрни, унинг ўзига хос янги қирралари хусусида фикр билдирар эканмиз, шу асосга кўра нутқнинг максимал глобал структураси ва унинг энг кичик бирлиги масаласида ўзига хос муносабатлар илгари сурилганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Тилшуносликда матн ва унинг тузилиши, намоён бўлиши, шаклланиши, ундаги коммуникатив хусусиятларнинг барчаси кенг қўламда ўрганиш объекти бўлиб келмоқда. Мазкур қизиқишлар асосида тадқиқотларда матннинг коммуникатив, прагмалингвистик, когнитив, лингвокультурологик, психоллингвистик, социоллингвистик, этнолингвистик, систем, структур, композицион ва бошқа жиҳатларига эътибор қаратилмоқда.

¹ Зайниева Мадина Хуршидҷон қизи, СамДЧТИ таянч докторанти

Қайд этилган ёндашувларнинг ҳар бири ўзига хос бўлган принциплар асосида тадқиқот объекти бўлган матн тушунчасининг тавсифини беришга ҳаракат қилинганнинг далили бўла олади. Кўринадики, матн том маънода юқоридаги ёндашувлар асосида турли фанлар ва бу фанларнинг тилшунослик билан кесишиш чорраҳасида вужудга келган лингвистиканинг тармоқ ва йўналишлари учун ягона текширув объекти бўлиб қолмоқда.

Шу боис ҳам матн ва унинг тавсифи жаҳон тилшунослигида, хусусан, инглиз тилшунослигида ҳам алоҳида тавсифларга эга эканини кузатиш имконини беради. Бу хусусда фикр билдирганида Д.Бартон ва Л.Кармен тилни илмий жиҳатдан тадқиқ этишда, ўрганишда матн тушунчаси марказий ўрин тутди ва аксарият ижтимоий соҳаларда тил ўрганиш объекти сифатида ҳизмат қилишини қайд этади. Уларнинг назарида матн атамаси сифатида қаралаётган ижтимоий тушунча турли билим соҳаларида турлича талқин қилинишини инобатга олиш алоҳида аҳамият касб этиши шубҳасиз. Бу мутахассисларнинг фикрига кўра, тилшунослик соҳасида матн муҳокама қилинаётган тилнинг ҳар қандай изчил қисми сифатида қаралади. Матн ва у билан боғлиқ тасаввурлар, одатда, ёзма нутқга ишора қилади, бошқача айтганда, матн ёзув орқали намоён бўлади. Д.Бартон ва Л.Кармен оғзаки нутқда баён қилинган фикрларнинг график тасвирланиши матн, деган қарашни илгари суришади [2: 25].

Д.Бартон ва Л.Кармен матн хусусида фикр билдирар экан, улар бир сўздан иборат сарлавҳа, абзац, боб, ҳаттоки, бутун бир китоб ҳам матн сифатида қаралиши мумкинлигини баён қиладилар. Уларнинг қарашларига кўра, матнлар макон ва замонда шаклланади, намоён бўлади ва муайян маконда жойлашади, ўрин топади. Бу тилшуносларнинг қарашларида акс этган илмий қарашларнинг мазмуни шуни кўрсатадики, матнлар яратилиши ва ёзилиши мумкин. Улар деворларга пуркалиши, газеталарда чоп этилиши ёки кундаликларда ёзилиши мумкин. Шу билан бир қаторда, матнларнинг маълум мақсадда ишлатилиши, ўқиши, шу асосда унга мунособат берилиши ва уларга амал қилиниши мумкинлиги Д.Бартон ва Л.Кармен қарашларида алоҳида ўрин тутди [2: 26].

Бундан ташқари, Д.Бартон ва Л.Кармен матнга кўпинча тилнинг маҳсули сифатида қаралишини, унда барқарорлик ва қатъийлик тушунчаси мавжудлигини кўрсатиб ўтишади. Уларнинг мавжуд қарашларида матн ўзаро мулоқот воситаси ва таҳлилнинг бошланғич нуқтаси сифатида ҳам тадқиқ этилиши лозим. Чунки матн йўналтирувчи функциясига ҳам эга бўлиб, бунда хат, бадиий асар (роман ва бошқа шу кабилар) ёки газета матнлари кабилар ўз функцияси ва қийматини ўзгартириб, воқеликлар бўйлаб ҳаракатланиш ифодасини бериш вазифасини бажариб мақсад ва моҳиятга кўра, йўналтирилганлик белгиларига ҳам эга бўлади [2: 26].

Матн ва унинг илмий тавсифи хусусидаги қарашларда М.А.К.Ҳаллидай ва Ҳ.Руқайяларнинг қарашлари ҳам ўзига хосдир. Уларнинг фикрича, “Матн” атамаси мулоқот воситаси сифатида тилни билувчи шахс учун уни мантиқан тушунишга ёрдам берадиган ҳар қандай тил мисоли сифатида қаралади[4].

М.А.К.Ҳаллидай ва Х.Матчиесен қарашларида акс этган ҳақиқатга кўра, грамматика мутахассислари учун матн кўп қиррали муаммоларни ўзида мужассам этган мураккаб характерли, комплекс тадқиқни талаб этувчи кўп қиррали ҳодисадир. Шу боис, матнни турли ёндашув нуқтаи назардан ўрганиш мумкин. Бироқ, М.А.К.Ҳаллидай ва Х.Матчиесен ушбу ҳодисани илмий тавсифлашда иккита асосий ёндашувни ажратиб кўрсатишади. Бунда биринчи ёндашув – матнга мустақил объект сифатида қарашга асосланиши бўлса, иккинчисида унга қўшимча маълумот олиш воситаси, манбаси сифатида қарашдир.

Бизнингча, матн нафақат тил бирликларнинг қўлланиши макон, балки том маънода тил бирликларининг тил ситемассида яшаб қолиши, бу тизимда ўз ўрнини сақлаб қолиши учун ҳам мант заруратдир. Тилдан мақсад мулоқотни, коммуникацияни шакллантириш ва унга эришиш сифатида қараганимизда айни фикр исбот талаб қилмайди. Шунга ҳам эътибор қаратиш жоизки, матн шаклланиши, унинг замонавий тушунча ва қарашларнинг ифодаланишига қодир бўлиб бориши тил тараққиётининг асоси ҳамдир. Чунки тилнинг акуммиллятив хусусияти айнан ушбу жараён билан боғлиқдир. Тилнинг бирлигига айланиш учун унинг лексик бирлиги сифатида ушбу қатламдан ўрин олиш учун кириб келган сўз ва ибора ва бошқа бирликлар, аввало нутқда қўлланади ва давр, ижтимоий муҳит ва тилнинг жамият билан боғлиқ томонларига кўра унинг системасидан қатъий ўрин олади. Албатта, матн шаклланиши учун грамматиканинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Бироқ, грамматик қоидаларда шаклланган қарашлар ҳар доим ҳам матннинг асосий мезонларини тўла белгилаб беришга қодир бўлмаслиги ҳам мумкин. Бошқача айтганда, грамматика умумийликка асосланса, ҳар бир матн нутқ вазияти, сўзловчининг субъектив мақсад ва муддаосига кўра ўзига хосликларга эга бўлиши ҳам мумкин. Бу ўринда мавжуд грамматик қоидаларимиз матн тавсифига эмас, балки унинг бирликларидан бири бўлган гап тавсифига асосланганлигини қайд этиш лозимлигини тақазо қилишида намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1]. Aarts B. & McMahon A. *The handbook of English linguistics*. Oxford: Blackwell. 1996. – 369 p.
- [2]. Barton David and Carmen Lee. «*Language Online: Investigating Digital Texts and Practices*. » Routledge, 2013. – 216 p.
- [3]. M.A.K. Halliday and Christian Matthiessen. *An Introduction to Functional Grammar*. – Great Britain. Arnold, a member of the Hodder Headline Group. 2004. – 689 p.
- [4]. M.A.K. Halliday, Ruqaiya Hasan. *Cohesion in English*. London. Routledge. 2013. – 392 p.
- [5]. Хайруллаев Х. Об особенностях изучения объекта речевой лингвистики. *Иностранная филология: язык, литература, образование*. 2019. (2 (71), 17-20. https://inlibrary.uz/index.php/foreign_philology/article/view/921